

Миллий тарбия тизимида оила маънавияти

Ф.ф.н., доц. Ф.Маматкулов. ЖДПИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов «ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўрғони бўлган оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истардим»¹ -деб алоҳида таъкидлагани бежиз эмас.

Ўзбек оиласи тарихи узоқ-узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ҳатто «Авесто»да ҳам бола тарбиясида оиланинг роли, тутган ўрни, улуғвор вазифалари ҳақида сабоқ берилади. Шунингдек, муқаддас китоблару фозилу фузалоларимиз, донишмандларимиз ўғитларида оила жипслиги, софлиги, унинг жамиятдаги мавқеи равшан кўрсатилган.

Бугунги кунда ҳар бир оиланинг жамиятда тутган ўрни, ҳаёт мазмуни, миллий қадриятларни ўрганиши инсон маънавиятига хизмат қилади. Бунга эришиш учун, авваламбор, оилада бола тарбиясини тўғри ташкил этиш, унда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, чуқур билим ва юксак масъулият талаб этади. Маълумки, инсоний муносабатлар оиладан, оила муҳитидан бошланади. Ҳар бир бола оиладаги муносабатларни, вазиятларни ота-она ва оиладаги яқинларига тақлид қилиш орқали тушиниб фикрлайди, хулоса чиқаради. Бундан шу нарса маълум бўладики, оила ўзига –ўзи тарбиячилик вазифасини бажаради.

Шундай экан, ушбу омил миллий қадрият сифатида аجدодларимиздан қолган ҳиссий тажриба сифатида ҳаётининг тажрибаларининг ижобий кўриниши бўлиб, миллий менталитетимизнинг ўзига хос бир кўриниши эканлигини унутмаслигимиз зарур. Инсон ҳаёти, жумладан, ўсиб улғайиб келаётган навқирон авлод ҳаёти ва фаолиятининг асосий даври оилада ўтади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида: “Оила жамиятининг асосий бўғинидир, жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга...”², дейилади. Демак, оила жамиятнинг дастлабки бўғини экан, болалар аввало тарбия сабоғини уйда, бобо – буви ва ота – онасидан олади. Шунга кўра ақлий, жисмонан ва маънавий жиҳатдан камол топади, дунёқараши шаклланади. Ватанга, эл-юртга ҳурмат каби одамийлик белгилари дастлаб оилада юзага келади. Баркамол авлод, янги давр кишисини тарбиялаб етиштиришда оиланинг аҳамияти беқиёсдир. Оилада болалиқдан бошлаб шахс шакллана боради. Фарзанд тарбиясида ота-онанинг шахсий ибрати жуда муҳимдир. Улуғ

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т., «Маънавият», 57 –бет.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2008. – Б – 12.

бобокалонимиз Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул - қулуб” асари алломанинг ахлоқ - одоб борасидаги йирик фалсафий-таълимий пандномасидир. У ушбу асарида болага кўз – қулоқ бўлмаслик, уни назоратсиз қолдириш, ўз вақтида тўғри тарбия бермаслик кейинчалик ёмон оқибатларга олиб келиши, тарбияси издан чиққан боланинг келажаги эса барбод бўлиши; аксинча, унга яхши тарбия берилса, тўғри йўлдан боровчи ақли расо, яхши фарзанд бўлиб ўсишига кафолат бериб, оилада ахлоқ – одоб тарбияси катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Фарзандни дунёга келтириш билан бир қаторда унинг тўғри тарбияси, иймон-эътиқодли бўлиб тарбияланиши ота-онанинг юксак масъулиятни ҳис қилишига бевосита боғлиқ.

“Тарбиянинг мазмуни энг яхши ўзбек оилаларида амал қилган ва амал қилаётган тарбиянинг мазмуни ҳамда мустақиллик шароитида давлат ва жамият томонидан оила-мактаб тарбиясидан келиб чиқади. Муайян фазилатларнинг изчил, турли вазиятларда, турли воситалар ёрдамида сингдириб, такомиллаштирилиб борилиши пировард натижада давлат ва жамият, оила, маҳалла, мактаб учун намунавий ўқувчи, ўғил-қиз ахлоқини ҳосил қилиш мумкин”¹. Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтмоқ керак. Ҳамма нарса ўз номи билан аталиши, ҳамма нарса ўз ўрнига эга бўлиши керак. Бу борада қадимги Хитой илоҳиётчиси, мутафаккири Конфуций “Ота-оталигича, фарзанд-фарзандлигича, дурадгор-дурадгорлигича бўлиши лозим,”- деганда мутлақо ҳақ эди.

Оила жамиятнинг дастлабки бўғини экан, ёшлар, аввало тарбия сабоғини уйда, яқинларидан ўрганиши табиий. Оилада болалар ақлий, жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топади, дунёқараши шаклланади. Шунга кўра ота-онага оилада болаларни тарбиялаш, мустақил ҳаётга ва меҳнатга тайёрлаш бўйича катта масъулият юкланган.

Муҳтарам юртбошимиз И.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида оила тўғрисида шундай фикрларни илгари суради: “Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту-саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин бахту-саодат фақат бойлик, молу-мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва

¹ М. Куронов. Мафқуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. –Т.,Маънавият. 2008. 17 бет.

ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг катта бойлигидир”³.

Маънавий-ахлоқий ва тарбиявий жараёнларни жамият аъзолари, хусусан, ёшлар онги ва дунёқарашига етказиш кундалик вазифа бўлиб, бу давомийликни ҳамда узлуксизликни талаб этади.

Инсонни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш башариятнинг азалий орзуси бўлиб келган.

Миллий тарбия тизимида оила маънавияти, ундаги ота-онанинг ўрнига аждодларимиз алоҳида эътибор қаратганлар. Бу борада Амир Темур ўзига хос ва, бекиёс ўрин эгаллайди. Амир Темур хукмронлик йилларида Самарқанд, Хирот шаҳарларида маданият, илм-фан ривожланди. Соҳибқирон одоб-ахлоқ, имон, эътиқод, таълим-тарбия соҳасида юксакликка эришган сиймолардан ҳисобланади. Бунинг исботи сифатида Амир Темур яратган одоб-ахлоққа оид дастурлари, ўғитлари, панд-насихатлари ҳамда соҳибқирон ҳақидаги ёзилган тарихий манбаларни, асарларни ўқиб чиқиш етарли. Жаҳонга машхур “Темур тузуклари” асарида Амир Темурнинг ибратли, ҳаётий тажрибалари, қимматбаҳо насихатлари, фикрларининг аниқ, теранлиги, таъсирчанлиги яққол кўзга ташланади ва инсонни ҳушёрликка чақиради.

Миллий тарбия соҳасида, оилада болаларни юксак фазилатли инсонлар қилиб тарбиялашда ота-она ва кенг жамоатчиликнинг намунаси, ибрати ва халқ оғзаки ижоди манбалари, миллий удумларимиздан тарбия воситаси сифатида фойдаланиш, ёшларни маънавий бой, ахлоқан пок, эътиқоди бутун, тафаккури теран, дунёқараши кенг инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим самара беради.

Оиладаги юз берадиган айрим воқеа-ҳодисалар бола шахсининг ривожланиши ва шаклланишига ижобий маънода ёки салбий маънода таъсир кўрсатиши мумкин. Бола бир кунлик ҳаёти давомида уйда, таълим муассасасида, жамоатчилик орасида, бозорда кўплаб воқеаларнинг гувоҳи бўлади. Шунинг учун болага авваламбор оилада катталарнинг доимий эътибори лозим бўлади.

Миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз ичида бола одоби, хулқи, ахлоқи, тарбиясига доир урф-одатлар айниқса муҳим ўринга эга. Шу нарса маълумки, халқ ва миллат соф ҳолда кўриниши болаларда намоён бўлади. Қачонки болаларда миллийлик ўлар экан, бу миллат ўлимининг бошланишини билдиради. Тарбияда миллийлик қанча кўп сақланиб қолган бўлса шу миллат шунча кучли маданиятга эга, маънавий бой ҳисобланади.⁴

Оилавий тарбия – бу, аввало, ота-онанинг ўзини тарбиялаш демакдир. Ота билан она оиланинг, муқаддас кўрғоннинг устунларидир. Ота ва она қанчалик тарбия кўрган бўлса, бу кўрғон ҳам шунчалик

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. Маънавият, Т., 2008 й., 56-бет.

⁴ Волков Г.Н., Баубекова Г.Д. Этнопедагогика. Т., Фан, 2000. 38-б.

мустаҳкамланиб бораверади. Шу боис фарзандни дунёга келтириш билан бир қаторда унинг тўғри тарбияси, иймон-этикодли бўлиб тарбияланиши ота-онанинг юксак масъулиятни ҳис қилишига боғлиқ. Оиладаги тўғри тарбия дастлаб ота-онанинг намунали,хулқ-одоби ва уларнинг ўзаро илиқ ва самимий муносабатлари орқали амалга оширилади. Оиладаги ота-она ва бошқа оила аъзоларининг газета ва журналлар, бадиий асарларни ўқиши, маънавий-маърифий кўрсатувларни кўриши ҳамда уларга оилавий муносабатларини билдириши ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этади. Маълумки, инсоний муносабатларни болалар дастлаб оилада, кейинчалик маҳаллада ва сўнгра мактабда ўрганади. Оила, маҳалла ва мактаб-болалар тарбиясининг муҳим ўчоқлари саналади.Уларнинг ўзаро узвий ва доимий ҳамкорлиги ёшлар тарбияси ва камолатида жиддий самара бериши шубҳасиздир.

Зеро,бизнинг ворисларимиз бўлган ёшлар,Президентимиз И.Каримов таъбирлари билан айтганда, “Биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт”.

Хулоса қилиб айтганда, оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий қадриятларнинг ривожини таъминлайдиган, янги алодни дунёга келтириб, уни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас маскандир. .